



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 13 октябрь, № 197 (6380) Сешанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ ТИЗИМИ

пахта толасини экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этади



Маълумки, шу йилнинг 15-16 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўн биринчи Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилаётган мазкур тадбир дунёнинг кўплаб давлатларидан ташриф буюрадиган юзлаб соҳа мутахассислари, энгил саноат компаниялари раҳбарлари ва тадбиркорларга юртимиз саноатчилари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қулай имкониятдир. Негаки, мазкур форумда ўзбек пахта толаси, ундан тайёрланган кўшимча қийматга эга саноат маҳсулотларини бевосита ишлаб чиқарувчилардан тўғридан-тўғри сотиб олиш учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Шу боис ҳақон пахта бозоридан савдолар фаоллашган бир пайтда ўтадиган ярмарканинг нуфузи ошиб, унда қатнашиш истагини билдираётганлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда.



Таъкидлаш кераки, истиқлол йилларида пахтачилик ва уни қайта ишлаш тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли нафақат саноатбоп пахта ҳамда тола етиштиришга эришилди, балки

хом ашёни сифатли қайта ишлаш, сақлаш, харидорларга ўз вақтида етказиб бериш бўйича кенг тармоқли ҳамда ишончли инфратузилма ҳам яратилди. Буларнинг барчаси экспорт ҳажмининг ошиши, хорижий

ҳамкорлар сафи кенгайишида муҳим аҳамият касб этапти. Хусусан, бугунги кунда юртимизда 22 та ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминали самарали фаолият юритаётди.

(Давоми 2-бетда).

“Тошкент — Тола” минтақавий пахта терминалига қарашли омборлар

45000

тоннадан кўпроқ тола сақлашга мўлжалланган бўлиб, бу ерда хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш, унинг сифатини янада ошириш мақсадида уларнинг бир қисми эркин омбор тизимига ўтказилган.

АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг қонунчилиги асоси, бу борада тўпланган тажриба ва устувор вазифаларга бағишланган анжуман ўтказилди.

Аҳоли саломатлиги муҳофазаси ва миллий қонунчилик

Унда Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳолининг муносиб ва соғлом ҳаёт кечирishi таъминлаш, ижтимоий барқарор муҳитни сақлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, саломатликни мустаҳкамлаш, тиббий хизматни юқори сифат босқичига олиб чиқиш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётган. Зеро, соғлиқни сақлаш тизими ислох қилиниши натижада фуқароларнинг маънавий тиббий хизматдан фойдаланиши билан бог-

лиқ конституциявий ҳуқуқлари тўла рўёбга чиқарилмоқда. Жорий йилнинг 27 августда эълон қилинган “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мантикий давоми бўлди.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши билан 1992 йилдаги “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Қонун ўз кучини йўқотди. Конституциявий нормаларга таянган ҳолда ишлаб чиқилган янги Қонун замирида ҳар бир инсоннинг осойишта турмушини кафолатлаш, оилалар ва жамиятда соғлом ҳаётни қарор топтириш мақсадлари мужассамдир.

(Давоми 2-бетда).

Истиқболли лойиҳалар, салмоқли натижалар

Мамлакатимизда корхоналарни модернизациялаш, илғор технологиялар билан таъминлаш жадал давом этмоқда. Натижада кўплаб ишлаб чиқариш субъектларининг қувватлари ошириб, маҳсулотлар сифати ҳам янада яхшиланмоқда.

ИСЛОХОТ

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида Президентимизнинг 2011 йил 31 октябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва бошқарувини ташкиллаштириш янада такомил-

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида “Турон — Хўжайли” акциядорлик жамиятида қиймати 200 миллион сўмлик лойиҳа рўёбга чиқарилиб, ёғли кислота тайёрлаш линияси ишга туширилди. “Беруний

Ёғар” акциядорлик жамиятида эса экстракция ёғни тозаловчи фильтр ўрнатилгач, унумдорлик бир неча баробар кўпайди.

Тахтакўпир туманида тадбиркор Ербол Қарабалаев ойига 30 минг жуфт эркалар, аёллар ва болалар пайпоғи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Ткачиха-тахта” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди. Бунинг учун банкнинг қарийб 78 минг АҚШ долларлик кредити ўзлаштирилди.

— Ушбу маблагга хо-

риждан компьютерлаштирилган замонавий технология келтирилди, — дейди тадбиркор. — У махсус дастурлар асосида маҳсулотни тайёрлаб беради. Сифати юқори. Мабодо, иш жараёнида узилиш рўй берса, бу ҳақда ўша захотийёк компьютер орқали хабар қилинади ва дастгоҳ автоматик тарзда тўхтабди. Ушбу илғор технология ўрнатилиши ҳисобига 6 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

ҚАРОР ВА ИЖРО

Иқтисодиёт тармоқларида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, зарар қўриб ишлаётган, паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни лаёқатли инвесторларга сотиш орқали уларни қайта тиклаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Хусусий мулк ва иқтисодий тараққиёт

Шу боис кейинги йилларда бу борадаги ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада давлат мулкни хусусийлаштириш жараёни тобора ривожланиб, ишбилармонлар томонидан уларнинг негизда ташкил этилган янги субъектларда тайёрланаётган маҳсулот ҳажми ортиб, кўрсатилаётган хизматлар сифати янада яхшиланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва

аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатга кўра, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзқурлишматериаллари”, “Ўзэлтхасаноат”, “Ўзавтосаноат”, “Ўзвиносаноат-холдинг”, “Ўзагротсаноатмаш-холдинг” компаниялари ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари қарашли акциядорлик жа-

миятлари устав фондидаги давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларининг улушлари стратегик хорижий инвесторларга сотилиши белгиланган бўлса, жумладан, “Ўзбекнефтгаз” компанияси ва Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасига қарашли 20 та акциядорлик жамиятида қўшимча акцияларни муомалага чиқариш, 343 та акциядорлик жамиятида эса хўжалик бошқаруви органларининг давлат активлари ва улушларини ошқорасавдоларда хусусий мулк эга-

лиги шартли билан хорижий инвесторларга сотиш кўзда тутилган эди.

Бундан ташқари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таъ-

Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясининг 2015 йил 25 майдаги қарорига асосан, инвесторларга бепул берилган 512 та давлат объектларининг танлов савдоларида сотишнинг шартлари, жумладан, киритилиши белгиланган инвестиция миқдори, муддати ва яратилган иш ўринларининг энг кам сони белгилаб берилди. Биргина, “ноль” харид қиймати билан тадбиркорлик субъектларига берилиши мўлжалланган 512 та объектнинг хусусий мулкдорларга сотилиши натижасида камидан 1072,19 млрд сўм миқдорда инвестиция киритиш ҳамда 20122 тадан ортиқ янги иш ўринларини яратиш ҳисоб-китоб қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Қибрай туманидаги “Qibray transformer” масъулияти чекланган жамияти жамоаси ишлаб чиқариш ҳажмини 1,2 баробар кўпайтириш ҳаракатида. Бу корхонада тайёрланаётган электротехник анжомларга ички ва ташқи бозорда талаб ортиб бораётганидан далолатдир.

Сифат — асосий мезон

Хусусан, кичик бизнес субъектида импорт ўрнини босувчи 12 турдаги юқори ва паст вольтли электр ўтказгичлар ҳамда энергия тақсимлаш қурилмалари ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили корхонага маҳсулот тайёрлаш ҳажми ва сифатини янада ошириш учун қўшимча технологик жиҳозлар келтириб ўрнатилди. Бу жорий йилнинг ўтган даври-

да 4,3 миллиард сўмликдан ортиқ рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаб, ички бозорга сотиш имконини берди.

Айни пайтда корхонанинг қарийб қирқ кишилик жамоаси тайёр маҳсулотнинг бир қисmini экспортга ҳам йўналтириш мақсадида янги инновацион лойиҳа ва технологиялар устида ишланмоқда.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кўп тармоқли фаолият

Термиз шаҳридаги ун ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Камазул Сайдил” масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини янада кенгайтириб, пойабзал, мебель жиҳозлари ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйди.

Шунингдек, корхона қошида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам ишга туширилди.

— Инвестиция киритиш шартли билан шаҳардаги фойдаланилмай турган бинони бизга беришиди, — дейди МЧЖ раҳбари, ёш тадбиркор Юсуфбек Дониёров. — Банк ажратган 350 миллион сўмлик кредит ҳисобига Хитойдан замонавий технология ва ускуналар келтириб ўрнатдик. Улар ёрдамида ҳозир сифати хорижийкидан қолишмайдиган пойабзаллар, кийим-кечак ҳамда мебеллар тайёрлаёмиз. Ишчиларимиз сони эса 50 нафарга етди. Эндилда ўз маҳсулотларимизни ташқи бозорга чиқариш чораларини ҳам кўрмоқдамиз.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорлар ҳиссаси

Ҳазорасп туманидаги “Питнак оҳак тайёрлов” масъулияти чекланган жамияти хорижий ҳамкорлари билан 350 минг АҚШ долларлик шартнома имзолади.

Натижада кўзда тутилган маҳсулотнинг бир қисми буюртмачига етказиб берилди. Умуман, 2010 йилда иш бошлаган ушбу корхона уч йилдан бери экспорт билан шуғулланиб келмоқда. Ҳозир 15 киши меҳнат қилаётган жамоада ойига ўртача 800 тонна оҳак тайёрланапти.

Эътиборлиси, вилотда бундай тадбиркорлик субъектлари сони тобора ортиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида маҳаллий ишбилармонлар томонидан 5 миллион АҚШ долларидан зиёд экспорт амалиётлари бажарилди.

Оббек РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган "Ягона бюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясининг курилиши тугалланмаган биноси, "Оникс" акциядорлик жамиятининг санаторий-профилакторийси, Мирзо Улуғбек туманидаги йирик

тириш вақтида аниқланмаган, лекин шу корхона ҳудудида жойлашган кўчар ва кўчмас мулклар, шунингдек, корхоналар ҳудудида жойлашган ва уларга тасаруф этиш ҳуқуқисиз берилган кўчар ва кўчмас мулклар мазкур корхоналарнинг ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларининг мулки саналади. Амалдаги қонунчилик доирасида хусусийлаштириш

нида ошқора савдоларда сотилмай қолса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тақлифлари асосида инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш ва янги иш ўринлари яратиш шартли билан "ноль" қийматда сотилиши, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялаб қўйи-

тириш мақсадида ошқора савдоларда хусусий мулк эгаллиги шартли билан ҳужжалик бошқаруви органларининг, биринчи навбатда, хорижий инвесторларга сотилиши лозим бўлган 229 та корхона ва ҳужжалик жамияти давлат активлари ҳамда улушларидан 185 та улушнинг хусусийлаштирилишига тегишли ҳужжатлар тўплами тайёрланиши ҳамда оммавий савдоларга чиқарилиши, 35 та улуш сотилишига, 512 та давлат мулки объекти, шу жумладан, курилиши тугалланмаган объектлардан 490 та мулк 559,6 млрд. сўм инвестиция киритиш ва 17144 та иш ўрни ташкил этиш шартлари билан сотилишига эришилди.

Шу билан бирга, 88 та давлат мулки объекти ошқора савдоларда тўлиқ хусусий мулк қилиб сотилиши таъминланди.

Қарор ижроси юзасидан берилган Ҳукумат топшириқларини бажариш жараёнида олиб борилган ишлар натижасида, ҳозирги куннинг ўзиде 352 та объектни бузишдан бўшаган 115 гектардан ортиқ ер майдонидан 30 гектарга яқини тадбиркорларга ўз бизнес фаолиятларини амалга ошириш учун ажратиб берилди. Дастлабки режаларга кўра, умумий қиймати 15 млрд. сўмга яқин 123 та лойиҳа амалга оширилди, шу билан 490 та янги иш ўрни барпо этилиши мўлжалланмоқда.

Аҳоли саломатлиги муҳофазаси ва миллий қонунчилик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Амалиётга татбиқ этилган мазкур Қонунда юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш бўйича санитария-эпидемиология тизимини тубдан яхшилашга алоҳида урғу берилган. Унга кўра, давлат санитария нazorати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ҳамда шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан амалга оширилади. Эътиборлиси, Қонунда давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган. Айтиш мумкин, давлат санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки

ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Иштирокчилар шулар ҳисобига сўз юритар экан, юртимизда эмлаш ишларининг юқори савияда ўтказилаётгани ўзининг салмоқли натижаларини бераётганини эътироф этдилар. Бугунги кунда миллий эмлаш календарига асосан, ўн битта юқумли касалликка қарши эмлаш йўлга қўйилган.

Алоҳида қайд этилдики, мамлакатимизда 1993 йилдан буён эмлаш, тошмалитиф касалликлари, 1996 йилдан полиомелиит, 2000 йилдан эса дифтерия билан оғриш ҳолати кузатилмади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан берилган сертификатга кўра, Ўзбекистон полиомелиит касаллигиндан озод ҳудуд ҳисобланади.

Республикамизда полиомелиит, қизамик-қизилча ва вирусли гепатитнинг "В" турига қарши миллий эмлаш кунлари ўтказилиб, бу тадбирларга болаларнинг қарийб юз фоизга қамраб олинмоқда. Чақалоқлар туғуруқхоналардаёқ вирусли гепатитнинг "В" турига қарши эмланаётгани болалар ўртасида ушбу касалликнинг олдини олиш имконини бераётди. Энг муҳими, икки ёшгача бўлган болаларни юқумли касалликларга қарши бепул ва хавфсиз профилактик эмлаш, вакцина таъминоти учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ миқдори йилдан-йилга ортиб бораёпти. Бу усиб келаятган авлод саломатлиги муҳофазасига қаратилган юксак ҳамхўрлик ифодасидир.

Анжуманда аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, бунинг учун фуқаролик жамияти институтларини янада кенг жалб қилиш, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда умумий овқатланиш ва савдо хизмати кўрсатишга итисослаштирилган тадбиркорлик субъектларининг санитария-гигиена талабларини бажаришга доир масъулиятини кучайтириш каби масалалар ҳам муҳофиза этилди.

Фарида МАҲКАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Хусусий мулк ва иқтисодий тараққиёт

омборхона каби 15 та объект хусусий тадбиркорларга очик савдолар орқали тақлиф қилинмоқда. Бу жараён бошқа ҳудудларда ҳам давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга, қарорга мувофиқ, бир қатор паст рентабелли ва фаолият кўрсатмаётган корхоналарни тугатиш ёки банкротлик тамойилларини қўллаш тартиби қўлланилмоқда. Ўзбекистон Матбуот ва ахборотлаштириш агентлигига қарашли босмахона, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Ўзбекино" миллий агентлигига қарашли ҳамда вилоятлардаги 257 та давлат унитар корхонаси ана шулар жумласидандир.

Қарорнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унинг амалиётга татбиқ этилиши билан айрим меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 3 июлдаги "Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш бора-борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори янги банд билан тўлдирилди. Яъни эндиликда белгиланган янги тартибга биноан, тегишлича давлат корхоналарини хусусийлаш-

мумкин бўлмаган объектлар бундан мустасно, албатта. Масъулияти чекланган жамиятлар эса акциядорлик жамиятининг ягона таъсисчиси сифатида бўлиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Қолаверса, ошқора савдоларда икки ой мобайнида давлат активларини сотиб олиш учун талабнома тушмаган тақдирда, улар дастлабки нархни босқичма-босқич пасайтириб бориш тартиби қўлланилган ҳолда савдога қўйилаётган бўлди. Бунда ҳар бир босқич 15 кундан иборат бўлиб, нархни тушириш миқдори дастлабки баҳонинг 10 фоизини ташкил этади. Акциялар ва улушлар масаласига тўхталсак, бу кўрсаткич 50 фоизгача пасайтирилиши, шунингдек, давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ белгиланган нарх қадам-қадам пасайтирилиши давом эттирилиши мумкин. Бироқ бу жараёнда акциялар ва улушларнинг бошланғич нархини умумий қийматириш уларнинг номинал қийматидан паст бўлмашлиги лозим.

Яна шунинг ҳам қайд этиш керакки, давлат кўчмас мулк объектлари дастлаб қўйилган нархнинг 50 фоизгача пасайтирилгандан сўнг бир ой мобай-

лиши ёки бузиб ташланиб, бўшаган майдон заҳира ер тоифасига ўтказилиши мумкин.

Президент қарори ижросини таъминлаш бўйича бугунги кунгача эришилган натижаларга тўхталганимиз бўлсак, стратегик хорижий инвесторларга сотилиши лозим бўлган 68 та акциядорлик жамиятидаги давлатга ва ҳўжалик бошқаруви органларига тегишли улушларнинг сотилиши белгиланган. Шундан давлатга тартиби қўлланилган ҳолда савдога қўйилаётган бўлди. Бунда ҳар бир босқич 15 кундан иборат бўлиб, нархни тушириш миқдори дастлабки баҳонинг 10 фоизини ташкил этади. Акциялар ва улушлар масаласига тўхталсак, бу кўрсаткич 50 фоизгача пасайтирилиши, шунингдек, давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ белгиланган нарх қадам-қадам пасайтирилиши давом эттирилиши мумкин. Бироқ бу жараёнда акциялар ва улушларнинг бошланғич нархини умумий қийматириш уларнинг номинал қийматидан паст бўлмашлиги лозим.

Яна шунинг ҳам қайд этиш керакки, давлат кўчмас мулк объектлари дастлаб қўйилган нархнинг 50 фоизгача пасайтирилгандан сўнг бир ой мобай-

Мухтасар айтганда, шу кунларда қўмитамиз Иқтисодиёт, Молия ва Адлия вазирликлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда қарор ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида барча зарурий чора-тадбирларни кўрмоқда. Бунинг учун аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Бундан кўзланган асосий мақсад эса бозор ослохотлари доирасида амалга оширилаётган ишларни янада фаоллаштириш, рақобатни кучайтириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида мулкдорлар синфини шакллантириб, уларнинг мавқеини мустаҳкамлаш учун янги рағбатлантирувчи омилларни жорий этишдан иборатдир.

Жўрабек АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бош бошқармасининг бошлиги.

Қисқа сатрларда

● Андижонда ташқи иқтисодий фаолиятни янада соддалаштириш борасидаги божхона қонунчилиги нормаларини амалиётга татбиқ этишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бир гуруҳ қарбий хизматчилари оиласига мўлжалланган яқка тартибдаги замонавий уй-жой фойдаланишга топширилди.

● Фарғонада "Камалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи ўтказилди. Тадбирда барча йўналишлар бўйича гоилиб ва совриндорлар аниқланиб, диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Фолиблар фестивалининг мамлакат босқичида иштирок этади.

● Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида маданият ва аҳоли дам олиш маркази ишга тушди. Янги марказда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда ансамбль ва бадий гуруҳларнинг фаолият кўрсатиши учун барча қулайлик мавжуд. Бу ерда мумтоз қўшиқ ва мақом ижрочилиги, миллий чолғу ижрочилиги, рақс ва бадий сўз санъати тўғрақлари, фольклор-этнографик жамоалар фаолият олиб бориши режалаштирилган.

● Тошкентдаги Ботаника боғида қушларни муҳофаза қилишга бағишланган экологик акция ташкил этилди. Унда экологик лойиҳалар, бу жараёнда ноёб турларни асраш бўйича бажарилаётган илмий-амалий ишлар, Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамиятининг фаолияти хусусида атрофлича сўз юритилди. Ўқувчилар ўртасида викториналар, савол-жавоблар, расмлар танлови ўтказилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ ТИЗИМИ пахта толасини экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Уларда маҳсулотни сифатли сақлаш ва жўна-тишдан ташқари, қўллаб қўшимча хизмат турлари кўрсатиш ҳам йўлга қўйилгани ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида олди-сотди муносабатларини замон талаблари асосида ташкил этиш имконини бермоқда. Ушбу жараёнда Президентимизнинг 2006 йил 29 августдаги "Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тартибга солиш тўғрисида"ги қарори дастуридала бўлиб қилияпти.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган "Тошкент — Тола" терминали республикамиздаги энг йирик пахта терминалларидан бири ҳисобланади. Унга қарашли омборларга 45 минг тоннадан кўпроқ тола сиғиши, кунига 500 тоннадан ортиқ пахта толасини корхоналардан қабул қилиб, 900 тоннадан ортиқ тола-ни экспорт қилиш имконияти мавжудлиги бунинг яққол исботидир.

— Мамлакатимизда пахта терминаллари фаолиятини такомиллаштириш, ҳамкорларга қўшимча қулайликлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар қўрилмоқда, — дейди ушбу минтақавий пахта терминали директори ўринбосари Баҳодир



Носиров. — Жумладан, бизнинг терминалда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Мавжуд омборлар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, моддий-сифатини янада ошириш мақсадида терминал бир қисми эркин омбор тизимига ўтказилганлиги айтиш мумкин. Гап шундаки, эндиликда харидорлар сотиб олган тола-ни, унинг хоҳишига кўра, токи олиб кетилгунча шу ерда сақланади. Бу эса ўзининг ижобий самарасини бераётди. Терминалда яратилган яна бир қулайлик шундаки, тола экспорти бўлиб бoғлиқ ҳужжатларни шу ернинг ўзиде расмийлаштириш мумкин. Бунинг учун Ўзбекистон "Сифат" пахта толасини сертификатлаш марказининг лабораторияси, божхона, давлат карантин назорати пункти хизматлари ташкил этилган. XI Халқаро Ўзбекистон

Корхона хорижда «Савдо уйи»ни очди

"Narel" ёрлиги билан тўқимачилик ашёлари тайёрлаётган мазкур бизнес субъекти мутаасадилари йил охиригача Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ҳам ўзининг махсус савдо

муассасаси фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Бу эса унинг экспорт имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Тождидин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Истиқболли лойиҳалар, салмоқли натижалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Худди шундай лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилган Кеғейли туманидаги "Авто қайип майиш", Қонлиқул туманидаги "Raya-Ziyada", Беруний туманидаги "Berguniy Gold textile" масъулияти чекланган жамиятларида ҳам ишлаб чиқаришда сезиларли самардорликка эришилляпти. — Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 4 мартдаги "2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий қайта ўзгариштириш, модернизация ва диверсификация қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, ҳудудимизда бир қатор йирик лойиҳаларни ҳам амалга ошириш белгиланган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг бўлим бошлиги Нурсаит

Султанов. — Жумладан, бугунги кунда Тахитов иссиқлик электр станциясида қиймати 678,2 миллион АҚШ долларлиги лойиҳага кўра, 230-280 МВт қувватли иккита бузғач қурилмаси барпо этиляпти. Улар ишга тушгач, станциянинг қуввати 730 МВтдан 930 МВТга қўлайса, электр энергияси ишлаб чиқариш 3,0 миллиард кВтс дан 3,6 миллиард кВтс га ошади. Йилига 486,3 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинади.

Хулоса ўрнида айтганда, Қорақалпоғистон Республикаси санат корхоналарида истиқболли лойиҳалар жорий этилаётгани янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва сифатини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Солиқ тўловчиларга қулайлик

Бугунги кунда ахборот технологиялари орқали хизмат кўрсатиш турмуш тарзимизга чуқур кириб келмоқда. Деярли ҳар куни замонавий ахборот маъдалари орқали унинг у ёки бу туридан фойдаланаяпмиз. Шундан келиб чиқиб, эндиликда мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида ҳам ахборот-коммуникация технологияларини изчил қўллаш ва такомиллаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЖАРАЁН

Бунинг самараси ўларoқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий www.soliq.uz сайтида жисмоний ва юридик шахслар учун қўллаб қулайликлар яратилди. Шу тўғрисида улар солиқ идораларига бормасдан туриб, бир қатор интерактив хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишяпти. Яъни ҳар бир киши жисмоний шахсларнинг солиқлари бўйича маслаҳатчи интерактив давлат хизмати орқали жисмоний шахслар мол-мулк, ер, даромад солиги ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган солиқлари бўйича тўлов муддатлари, солиқ ставкалари, имтиёзлар ҳақида маълумотлар олиш баробарида, тўловни амалга ошириш бўйича банк ревалитларини ҳам олишлари мумкин.

Бюджет билан ўзаро ҳисоб-китоблар интерактив давлат хизмати эса мол-мулк ва ер солиқлари бўйича қарздорлиги бор ёки йўқлиги тўғрисида маълумотларни шакллантиришда қўл келмоқда. Бундан ташқари, жорий йилдан бошлаб фуқароларга янада кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни "Клик", "СМС-Тўлов" ҳамда "М-банк" тизимлари ёрдамида онлайн режимида тўлаш амалиёти қўлланилмоқда. Мазкур тизимлардан фойдаланиш бепул, яъни амалга оширилган тўловлар учун комиссия ҳақ олинмайди. Шунингдек, тўлов тўланганлиги ҳақидаги маълумотлар солиқ тўловчининг шахсий картчасида автоматик тарзда қайд этилади.

Электрон солиқ декларацияларини топшириш интерактив давлат хизматидан фойдаланган киши эса декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига хоҳлаган жойдан ва куннинг исталган вақтида тақдим этиши мумкин. Бу декларацияни тўлдириш, ҳисоб-китобларни амал-

га ошириш ва уни топшириш учун кетадиган вақт ҳамда бошқа бир қатор харажатлар тежаланди, дегандир. Қолаверса, жисмоний шахслар рўйхатдан ўтиш, СТИРни аниқлаш, солиқ органларида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олиш, ариза билан муурожаат қилиш ва солиқ маъмуричилиги билан боғлиқ бошқа харажатларни ҳам масофадан туриб бажариш имконига эгадирлар.

Ҳозиргача Давлат солиқ қўмитаси томонидан 18 та интерактив давлат ва 20 та электрон хизмат амалиётга киритилгани аҳоли ва юридик шахслар харажатларини тежаш, солиқ борасидаги савдонлиқни ошириш билан бир қаторда, солиқ органлари фаолиятининг очилгини изчил таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу сабабли, жорий йилда 800 дан ортиқ интернет сайт муаллифлари ва ишлаб чиқувчилари иштирок этган III миллий интернет танловида Давлат солиқ қўмитасининг расмий www.soliq.uz сайти "Давлат бошқаруви соҳасидаги энг яхши сайт" номинацияси бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

Музаффар Юсуф НАЗАРОВ, Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизмати бошлиги.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 13 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1942,94	1 Исландия кронаси	21,23	1 СДР	3739,29
1 Англия фунт стерлинги	1066,99	1 Канада доллари	2051,11	1 Туркия лираси	902,05
1 Дания кронаси	403,93	1 Хитой юани	418,63	1 Швейцария франки	2758,17
1 БАА дирхами	721,29	1 Россия рубли	43,22	1 евро	2981,01
1 АҚШ доллари	2649,22	1 Украина гривнаси	123,24	10 Жанубий Африка ренди	23,11
1 Миср фунти	338,34	1 Малайзия ринггити	635,30	1 Япония иенаси	220,47
		1 Польша злотийси	714,54		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

КИЧИК БИЗНЕС

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, инсон манфаати, унинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилганлиги боис қутулганидан зиёд натижалар кўлга киритилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда молия муассасалари ҳам фаол иштирок этапти. Яъни улар томонидан кўрсатилаётган хизмат ва ажратилаётган маблағлар кўплаб истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш, минглаб янги иш ўринлари яратиш имконини бераётир. Дарҳақиқат, бугунги кунда “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойилини бош мезон сифатида белгилаб олган банкларимиз хизмат кўрсатишнинг барча йўналишида замон талабларига мос фаолият юритмоқда. Улар томонидан иқтисодий тизимизда етакчи кучга айланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, айниқса, эътиборга молик. Маълумки, 2008 йилда бошланган ва ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози айрим давлатларнинг йирик банкларини қийин аҳволга солиб,

кредит бериш салоҳиятига жиддий таъсир кўрсатди. Юртимизда эса Президентимиз томонидан юритилаётган оқилона сиёсат, ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар туфайли бу каби салбий ҳолатларнинг нафақат олди олинди, балки банкларнинг молиявий барқарорлиги таъминланиб, капиталлашув даражаси янада мустақамланди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз банк тизими инқирознинг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланганидан далолатдир.

Зеро, банкларимизнинг молиявий барқарорлиги турли миллий ва халқаро ташиқлотларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлаётир. Масалан, яқинда “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровда иштирок этганлар тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда банкларнинг ўрни қай даражада эканлиги хусусида ўзларининг ҳаққоний фикрларини билдиришди. Қуйида ушбу сўровнома натижалари билан яқиндан танишасиз.

таянчимиз, банк кредитлари бизнесимизни йўлга қўйишда кенг имкониятлар яратмоқда” дея жавоб бергани, 98,8 фоизи банкларимиз томонидан касб-хўнар коллежлари битирувчиларига имтиёзли кредитлар ажратилаётганлигини мамнуллигини таъкидлаганини эътироф этиш лозим.

Тадбиркор аёллар ўртасида сўровлар ўтказилганда эса, уларнинг 98,9 фоизи “Банклар — бизнинг яқин ҳамкоримиз, уларнинг ёрдами билан муваффақиятга эришмоқдамиз”, дея ижобий баҳо берди.

— Чиндан ҳам, банк тизими томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор йил сайин кучаймоқда, — дейди “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон Иш-

фойдаланишга топириллаётган тилга олинди. Бу тураржойлар нафақат ўзининг замонавийлиги ва шинамлиги билан, балки имтиёзли шартлар асосида берилаётгани билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Шу боис сўровда иштирок этган респондентларнинг 100 фоизи мазкур уйлар имтиёзли даврни инобатга олган ҳолда, 20 йил муддатга ипотека кредити орқали берилаётганини хурсандчилик билан баҳолашди.

Марказ томонидан ўтказилган сўровларда худудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурлари бўйича ҳам саволлар тақдим этилди. Масалан, мазкур дастурларга киритилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда кредитларнинг самардорлиги ҳақида берилган саволга респондентларнинг 97,5 фоизи “Сар-

бермоқда?” деган саволга респондентларнинг 97,6 фоизи “Импорту урнини босувчи экспортбор маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга, аҳолини иш билан таъминлаш имконини бераёпти”, дея ижобий жавоб қилишди. Бу, ўз навбатида, юртимизнинг барча тижорат банклари “Стандарт энд пурс”, “Фитч рейтингс”, “Мудис” каби халқаро рейтинг агентликларининг барқарор рейтинг баҳосига бежиз муносиб кўрилмаганининг яна бир исботи, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Айниқса, Халқаро молия корпорацияси ва Жаҳон банкининг бизнесни юритиш бўйича жорий йилги ҳисоботида Ўзбекистон 189 та давлат орасида кредитлаш тизими бўйича охириги икки йил ичида 50 поғона кўтарилгани, яқинда АКШда нашр этилиб, дунёнинг 180 мамлакатига тарқатиладиган “Global Finance” журналі томонидан берилган рейтинг баҳосига кўра, дунё Марказий банклари орасида мамлакатимиз Марказий банки яна бир поғона юксалгани ҳам қувонарлидир.

— Бугунги кунда юртимизда биз, тадбиркорларга берилаётган имтиёз ва яратилаётган қўлай шарт-шароитлар, банкларимиз томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар натижасида ишимиз чин маънода юришмоқда, — дейди Фаргона вилоятидаги “Эко-Пластик” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Султонов. — Мисол учун, биз “Алоқабанк”дан 11,6 млрд. сўм микродорида кредит олиб, Италия ва Хитойдан полиэтилен тасма, баргак ҳамда синтетик тола ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий ускуналар харид қилган эдик. Ҳозиргача улар ёрдамида 7 млрд. сўмлик маҳсулот тайёрланиб, унинг 85 фоизини хориз бозорларига сотишга муваффақ бўлдик. Сабаби, йиллик фойз ставкаси жуда-ям маъқул. Банк тизимидаги кредитлаш сиёсати тадбиркорга мос равишда ишлаб чиқилган. Шунинг учун ҳам даромадимиз юқори бўлмоқда. Бугунги кунда 88 кишилик жамоамиз янги лойиҳалар устида ишляпти. Уйлаймики, уларни рўёбга чиқаришда ҳам “Алоқабанк” бизга яқиндан ёрдам беради.

Банкларнинг амалий ёрдами билан мулкдор бўлганидан хурсандман. Шунинг учун ҳам банк тизимидан қўнғилан тўқ.

Лўндасини айтганда, жойларда банклар ҳақида сўз кетганда, уларга “Ишбилармонларнинг яқин ҳамкори ва молиявий кўмакчиси” дея баҳо берилаётгани бежиз эмас. Чунки молия муассасалари томонидан қўрсатилаётган хизматлар тадбиркорга мижозлар талабига тўлиқ жавоб беради. Бундан барчанамиз хурсандимиз, албатта.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, банкларимиз томонидан ўтган беш йил мобайнида республикамиз экспорт салоҳиятини мустақамлаш учун 29 трлн. 327 млрд. сўмликдан зиёд инвестицион сармоялар ажратилиб, унинг умумий ҳажми 3,5 баробар кўпайди. 28 трлн. сўмликдан ортик кредитлар эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилди. Бу эса экспортбор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳақини кескин ошириш имконини бермоқда.

Сўров қатнашчилари пировардида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш, замонавий ва қўлай банк хизматларини кенг жорий қилиш, ўтказилаётган амалий урчушларни давом эттириш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини беришгани, табиийки, тизимнинг янада раванг топишига кўмаклашади.

РЕКЛАМА УРНИДА

«Ижтимоий фикр»: ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ САМАРАСИ

Ишонч тобора мустақамланмоқда

Хабарингиз бор, “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ сўровларни бир неча йилдан буён ўтказиб келади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Негаки, айнан банклар билан кўпроқ алоқада бўладиган тадбиркорлар ушбу тизимнинг ютуқ ҳамда камчиликлари ҳақида холис фикр айти оладилар. Яна бир муҳим жиҳати, бундай тадқиқотлар асосида банк-молия тизимининг янада самарали фаолият юритиши учун таклифлар ишлаб чиқилиб, амалиётда кенг қўлланялапти. Ҳар бир сўров натижалари эса матбуот орқали омма эътиборига ҳавола этилмоқда.

Галдаги ижтимоий сўров ҳам “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни ҳамда аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишончи” мавзусида бўлди. Унда қатнашганлар банкларнинг жорий йил тўққиз ойидаги фаолиятига юқори баҳо беришди.

Респондентларни танлашда тадбиркорликнинг барча тоифаси, яъни оилавий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхона ҳамда микрофирма вакиллари, шунингдек, касб-хўнар коллежлари битирувчилари ва тадбиркор аёллар қамраб олинди. Аникроги, сўровномада микрофирмаларнинг 17,8 фоиз, кичик корхоналарнинг 24,8, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг 28,7, деҳқон хўжалиқларининг 5,1, фермер хўжалиқларининг 12,3, оилавий тадбиркорларнинг 11,3 фоиз вакили иштирок этди.

Шаҳар худудида “Микрофирма”, “Кичик корхона” туридаги тадбиркорлик субъектлари кўпроқ кузатишга бўлса, қишлоқ худудида тадбиркорликнинг энг ривожланган тури яқка тартибдаги тадбиркорлик эканлиги аниқланди. Шунингдек, аёлларнинг 36 фоизи яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шугулланса, эркекларнинг 25,2 фоизи кичик корхона субъектлари вакиллари эканлиги маълум бўлди.

Тадбиркорлар ёш бўйича таҳлил қилинганда, 18 — 24 ёшдагиларнинг 46,6 фоизи ҳамда 25 — 29 ёшдагиларнинг 36,9 фоизи яқка тартибдаги тадбиркорлик билан машғуллиги, 30 — 39 ёшдагиларнинг 27,5 фоизи ва 40 — 49 ёшдагиларнинг 28 фоизи кичик корхона вакиллари эканлиги ҳамда 31,3 фоиз олий маълумотлилар кичик корхоналарни бошқараётганини ойдинлашди.

Шу билан бирга, тадқиқотдан аён бўлдики, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари жадал ривожланмоқда. Ишбилармонларнинг банк кредитларидан фойдаланиш истаги тобора охиб бораётгани эса ушбу тизимга бўлган ишонч мустақамлашни баробарида, уларга қўлай муҳит яратилаётганининг тасдиғидир.

Сўров жараёнида берилган “Кредит нима мақсадда олинади?” саволига кўпчилик “Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва бошланғич капитални шакллантириш учун”, “Айланма маблағни шакллантириш ва кенгай-



тириш учун” деган жавобларни берган бўлса, бошқалар “Энг янги технологияларга асосланган ускуналарни олиш ва ўрнатиш учун”, “Корхонада иш ўринларини технологик ривожлантириш учун” деган жавобларни қайд этишди.

“Мамлакатимизда қайси тижорат банклари фаолияти эътирофга лойиқ?” саволига эса респондентлар аксарияти “Агробанк”, “Ўзмилийбанк”, “Асак” банки, Халқ банки, “Микрокредитбанк”, “Қишлоқ қурилиш банк”, “Азия альянс” банки, “Ипотека-банк”, “Ориент Финанс” банки, “Капиталбанк” ва “Ўзсанотқурилишбанк”нинг филиаллари худудларда фаол ишлаётганини айтди.

Ўтказилган сўровларда “Шу банкларнинг фаолиятига қандай баҳо берасиз?” саволига олинган жавобларда ижобий баҳо 97,9 фоизни ташкил этиб, бу йўналишда аввалги сўровларга нисбатан ўсиш кузатилди. Худудлар бўйича эса Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидаги тадбиркорларнинг кўпчилиги банклар фаолиятини ижобий баҳолади.

Банк фаолиятини мамнуллини баҳолаш бўйича берилган саволларга эса “Банк ходимлари — мижозларга яқин ёрдамчи”, “Амалий кўмак, маслаҳат бериш ва муаммоларни ечишда тезкор ёрдам кўрсатилади”, “Омонатларни сақлаш борасидаги барча ишлар ўз вақтида амалга оширилади”, “Белгиланган тартибга тўла риоя қилинади, қонун бузилишига йўл қўйилмайди” каби жавоблар олинди.

Сўров натижалари ҳозирги кунда микрокредитни тадбиркорларнинг 98,1 фоизи тижорат банклари орқали амалга ошириш энг ишончли эканлиги кўрсатгани ва бу ишонч тобора мустақамланаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, сўров иш-тирокчилари бундай маблағларнинг аксарияти жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, худудларда аҳоли турмуш фаровонлиги ҳамда бандлигини таъминлашга йўналтирилаётганини мамнуният билан эътироф этилди.

— Юртимизда банкларнинг ишончли ва барқарор фаолият кўрсатиши биз, тадбиркорлар учун жуда кенг имкониятлар яратмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳўжайли туманидаги “Қудрати ҳаёт” хусусий корхонаси раҳбари Рустам Ибрагимов. — Ўзимдан қийс: “Ипотека-банк”ка сут маҳсулотларини қайта ишлашчи замонавий технология сотиб олиш учун 300 млн. сўм кредит олиш мақсадида бизнес-режа тақдим этган эдим. Банк ходимлари лойиҳамни тезда ўрганиб чиқиб, амалий кўмак беришди. Натижада бугунги кунга келиб, 20 кишилик жамоамиз маҳсулотларини етказиб бераёпти. Кредитдан самарали фойдаланганимиз боис даромадимиз ҳам юқори бўлмоқда. Бу эса қарзни қисқа фурсат ичида тўлаш имконини бераётир. Шу маънода, банкларимизнинг амалий ёрдамидан мамнуним.

Тадбиркорларимиз томонидан билдирилаётган бундай фикр-мулоҳазалар мамлакатимизда улар учун қўлай ишбилармонлик муҳити яратилганлиги, банк мутаассисларининг ўз ишини сидқидилдан бажараётганини англади. Ижтимоий сўровда қатнаш-

ган тадбиркорлар банклар томонидан ажратилаётган микрокредитлар аҳамиятини алоҳида қайд этишганини боиси шунда. Чунки, респондентларнинг 97,1 фоизи “Ажратилаётган микрокредитлар орқали аҳоли фаровонлигини ошириш имконияти вужудга келди ва у янги иш ўринлари яратишда ҳам муҳим роль ўйнамоқда” деган жавобни берган бўлса, 98,1 фоизи “Микрокредитлар жойларда, айниқса, чекка ва қишлоқ худудларида тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бошланғич сармояни шакллантиришга замин яратмоқда”, 98,5 фоизи эса “Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмоқчи бўлган фуқароларга микрокредитлар бериш бўйича бир қатор қўлайлик ва имтиёзлар яратилганини аҳолини, хусусан, аёллар ҳамда касб-хўнар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилишда катта аҳамият касб этмоқда”, деган фикрни маъқулади.

Сўровда иштирок этганлар орасида, шунингдек, кредит қилиш ва бу жараёнда жиддий қийинчиликларга учрамаганлигини билдирганлар 98,2 фоизни ташкил этди.

— Юртимизда банкларнинг ишончли ва барқарор фаолият кўрсатиши биз, тадбиркорлар учун жуда кенг имкониятлар яратмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳўжайли туманидаги “Қудрати ҳаёт” хусусий корхонаси раҳбари Рустам Ибрагимов. — Ўзимдан қийс: “Ипотека-банк”ка сут маҳсулотларини қайта ишлашчи замонавий технология сотиб олиш учун 300 млн. сўм кредит олиш мақсадида бизнес-режа тақдим этган эдим. Банк ходимлари лойиҳамни тезда ўрганиб чиқиб, амалий кўмак беришди. Натижада бугунги кунга келиб, 20 кишилик жамоамиз маҳсулотларини етказиб бераёпти. Кредитдан самарали фойдаланганимиз боис даромадимиз ҳам юқори бўлмоқда. Бу эса қарзни қисқа фурсат ичида тўлаш имконини бераётир. Шу маънода, банкларимизнинг амалий ёрдамидан мамнуним.

Тадбиркорларимиз томонидан билдирилаётган бундай фикр-мулоҳазалар мамлакатимизда улар учун қўлай ишбилармонлик муҳити яратилганлиги, банк мутаассисларининг ўз ишини сидқидилдан бажараётганини англади. Ижтимоий сўровда қатнаш-

билармон аёллар ассоциацияси раиси Гулнора Маҳмудова. — Бу борада Президентимиз томонидан соҳани янада ривожлантириш бўйича қарор қилинган Фармон ва қарорлар асосида уларга имтиёзлар берилаётганини алоҳида қайд этиш зарур. Сабаби, “Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи!” шиори остида микрокредитлар ажратиш механизми янада соддалаштирилаётгани, кредитларнинг йиллик фойз ставкаси маъқул бўлиши билан алоҳида қўлайлик кенг имкониятлар яратаяпти”, дея жавоб қайтаришди.

Сўровда, шунингдек, Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Бош прокуратура, Савдо-саноат тижорат банклари томонидан микрокредитлар йўналтириладиган амалий урчушларга юқори самардорликка жойларда тадбиркор аёллар учун қўллаб амалий урчушлар, бизнес-форумлар ўтказилаётгани ёки бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилаётгани шубҳасиз, бу борада ишларни жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ҳақида йилдан-йилга ошмоқда. Охириги 10 йилда кредитлаш миқдори 30 баробардан зиёд ўсиб, жорий йилнинг ўзида уларнинг 1,2 трлн. сўмликдан кўпроқ сармоа берилиши режалаштирилгани бунинг тасдиғидир.

Қисқаси, Марказий банк етакчилигида мамлакатимиз тижорат банклари ишбилармонларини, шу жумладан, тадбиркор хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлаётгани уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида айни муддао бўлмоқда. Шунинг учун ҳам тадбиркор аёлларнинг бундан мамнунлиги ишончли мустақамлашни бермоқда. Тадбиркор аёллар номидан банк тизими раҳбариятига ўз миннатдорчилигини билдиради.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази ўтказган тадқиқотда ёш оилалик уй-жой билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, шу кунларда жойларда Президентимиз ташаббуси билан тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан қурилган 50 та кўп қаватли “Қамолот” уйи

Барқарор фаолиятга — муносиб баҳо

Марказ томонидан хорижий инвесторларнинг фикрларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, “Инвестицион кредитлар қандай натижалар

Мухтасар айтганда, “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан худудларда ўтказилган навбатдаги сўров таҳлили жорий йилнинг тўққиз ойида республикамиз банк тизими ўз олдига қўйган устувор вазифаларни аниқ ва сифатли бажараётганини кўрсатди. Аҳоли бундан мамнун. Унда иштирок этганларнинг 98,5 фоизи банк тизимида давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижроси ўз вақтида бажарилди, банкларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар қутилган натижадан бераётганини қайд этгани бунинг яққол исботидир. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили амалда тўла ифодасини топапти.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида Икром УЎБСОРОВ ва Дилшод УЛУҒМУРОВОВ тайёрлади.

Хизматлар лизензияланган.



КАРДИОХИРУРГИЯ

Истиқлол йилларида юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, уни халқаро андозалар даражасига кўтариш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар самараси ўлароқ, тиббиёт муассасаларимиз илгор ускуна ва жиҳозлар билан таъминланиб, уларда турли хасталиклари самарали даволаш йўлга қўйилляпти. Қувонарлиси, бундай имконият ҳамда қулайликлар нафақат пойтахт, балки вилоят ва туман шифохоналарида ҳам юзага келаётди. Хусусан, Намангандаги кардиология маркази юрак-қон томир касаллиқлари аниқ ташхис қўйиш ва даволаш бўйича юксак илмий-амалий салоҳиятга эга муассасалардан бири ҳисобланади.

ДАВОЛАШНИНГ ИЛҒОР УСУЛЛАРИ

тиббиёт муассасаларимизда малакали мутахассислар томонидан амалда кенг қўлланилмоқда

Бундан саккиз йил аввал бу ерда илк бор сунъий қон айлан-тириш ва кардиоплегия шариотида хаста юрак устида дастлабки амалиётга қўл урилган эди. Пойтахтдан ташаббуслар ҳамкорлигида юрак-ишемик касаллигининг стенокардия туридан азоб чекаётган беморда аорта шунтлаш ўтказиш билан боғлиқ ушбу англис катта муваффақиятлар учун пойдевор бўлди. Бугун вилоятда кардиохирургия тиббиётнинг жадал ривожланаётган, инновацион гоё ва ташаббуслар кенг татбиқ этилаётган тармоғига айлангани бунинг тасдиғидир.

рентгенэндоваскуляр бўлмалардан иборат кардиохирургия бўлими, текшириш-даволаш хоналари қуриб битказилди. Уларга энг илғор тиббий ускуна ҳамда жиҳозлар ўрнатилди. Эндликда марказ мамлакатимизда шу йўналишда намунали фаолият юритаётган тўртта йирик муассасадан бирига айланган. Бу ерда турма ва ортирилган юрак нуқсонлари, юракнинг ишеми хамда қон томир тизими касаллиқларини эрта аниқлаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш кенг йўлга қўйилган. Беморларга фан доктори ҳамда фан номзоди илмий даражасига эга кардиохирургрлар, хорижда ва республикамизнинг етакчи тиббиёт муассасаларида малака оширган шифокор ҳамда ҳамширалар хизмат кўрсатишмоқда.

да, энг аввало, ушбу беморлар даволаниш учун хорижга бориш ташвишдан халос бўлишди. Бугун бу ерда кардиохирургиянинг сунъий ютуқлари асосида юракнинг барча турдаги туғма нуқсонлари устида жарроҳлик иши олиб бориляпти. Хусусан, юрак клапанларини алмаштириш, электр кардиостимулятор имплантацияси, эхокардиография усули кенг йўлга қўйилган.

Маълумки, кардиохирургия соҳасида муваффақиятга эришиш учун янги технология, илгор тиббий ускуна ва жиҳозлар талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, марказ юрак операцияларида қўлланиладиган бир марталик тиббий воситалар — оксигенатор, сунъий қон томир, канюлалар, автраматик иплар билан таъминланган. Масалан, кейинги икки йил давомида Корея Республикасидан 1 миллион АКШ долларлик 33 турдаги 108 та замонавий тиббий ускуна келтириб ўрнатилди. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан вилоятда юрак хасталиги бор беморларнинг катта қисми ёшлигидан ногиронлиги ва ихтимойий ҳиммага мурожаат қилиб, унинг 420 таси сунъий қон айланмиш ва кардиоплегия шариотида амалга оширилди. Натига-

қолди, — дейди О. Мансуров. — Эндликда юрагим бир маромда уряпти, огриклар йўқолган, хотиржамман. Бунинг учун шифокорларга, мана шундай даволаниш шарт-шароитларини яратиб берган давлатимизга минг раҳмат.

Миннатдорлик туйғулари билан йўғрилган бундай дил сўзларини нафақат наманганликлар, балки қўшни Фарғона, Андижон вилоятларидан келиб, дардига шифо топган юзлаб инсонлардан ҳам эшитиш мумкин.

— Етти бўлимдан иборат, 170 ўринга эга масканимиз юрак хасталиқларини даволашда Фарғона водийсининг бой илмий салоҳиятга эга муассасасига айланди, — дейди марказ бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Нуриддин Бахриддинов. — Бу ерда ўтган йилнинг ўзида 6500 га яқин бемор дардига даво топди. Уларнинг кўпчилигида юрак етишмовчилигини бартараф этиш билан боғлиқ мураккаб амалиётлар олиб борилади. Жумладан, аксарият беморларга электрокардиостимулятор ўрнатилиб, юрак ритми бузилиши бартараф қилинди. Айрим-айрим эхокардиография ёрдамида юрак бўшлиқлари деворлари, клапанлардаги туғма ёки ортирилган нуқсонларга ўта аниқликда хулосалар берилди. Айни пайтда шифокорларимиз доимий изланишда. Уларнинг мураккаб амалиётларини бажариш борасидаги тажрибалари муттасил ортиб бораётди. Масалан, жорий йилнинг олти ойи мобайнида юрак-ишемик хасталигига чалинган беморларнинг 60 нафарига очиқ усулда аорта коронар шунтлаш амалиёти ўтказилиб, қўллаб хондонларга қувонч улашилди.

Юрак — тирикчилигимиз, ҳаётимиз асоси. Унинг бир маромда уриб туриши сизу бизнинг, бутун жамятининг бахти. Шундай экан, соғлом бўлиб, бугунги фаровон кунлардан баҳраманд бўлишимиз йўлида давлатимиз катта эътибор қаратаётган тиббиёт ходимлари доимо изланишда экан, бу кўнглимизга хотиржамлик, гурур ва ифтихор бахш этади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Спорт

Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида бокс бўйича давом этаётган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида уч нафар спортчимиз финалга чиқди.

Боксчиларимиз жаҳон чемпионлигига даъвогар

Жумладан, вазни 56 килограммга бўлган иштирокчилар баҳсида Муроджон Аҳмадалиев хиндистонлик Шива Тапани, Фазлиддин Ғоипназаров (64 килограммга) тайландлик Вуттичай Масукни, Бектемир Меллиқўзиев (75 килограммга) эса ирландиялик Майкл О'Рейллини мағлубиятга учратиб, ана шундай имкониятни қўлга киритди. Олтин медаллар тақдирини ҳал этадиган беллашувлар 14-15 ок-

тябрь кунлари ўтказилади. Шунингдек, терма жамоамиз аъзоларидан Элнур Абдураимов, Элшод Расулов ва Баҳодир Жалолов ярим финалда иштирок этади.

Айтиш жоизки, мазкур дунё биринчилигида галаба қозонган чарм қўлқоп усталари келгуси йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI Олимпиада ўйинлари йўлланмасига ҳам эга бўладилар.

Нуфузли турнир бошланди

Пойтахтимизда теннис бўйича ATP таснифига «Tashkent Challenger — 2015» халқаро турнири бошланди.

Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида бўлиб ўтаётган бу галги баҳсларда дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан ракетка усталари иштирок этапти.

Унда ҳамюртларимиздан Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Жўрабек Каримов, Санжар Файзиев, Темур Исмоилов, Шонигматқон Шофайзиев, Хумоюн Султонов, Саид-Абду Саидқаримов ўз имкониятларини синовдан ўтказишга киришишган.

М. ҚОСИМОВ тайёрлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА! Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгаллигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон ҳўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади. Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябргача қилиб белгиланган. Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарадорлик суд тартибда мажбурий ундирувга қаратилади. Шундай экан, мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг! Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.

ТАДБИРКОРЛИК

Гулистон шаҳрилик Обиджон Акбаров Гулистон давлат университетини битиргач, тадбиркорлик соҳасида фаолият бошлади. Ёш технологнинг бизнес-режаси жорий йилда банк томонидан 47 миллион сўмлик кредит билан қўллаб-қувватланди.

Токзорлар учун конструкциялар

Натижада у раҳбарлик қилаётган «Шоҳжаҳон юлдузи» масъулияти чекланган жамяти тез орада зарур асбоб-ускуналар ва ўз ус-тахонасига эга бўлди. Ҳозир бу ерда дарвоза, сўри, устун каби ўнлаб турдаги нақшкор темир буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, жамяят усталари замонавий андозаларни ўзида жамлаган каталог асо-сида ясаётган ток ишқомла-ри фермерлар ва томорқа эгаларига жуда манзур бўла-пти. Бойси, ушбу конст-рукцияларнинг нархи турдош-лариникига нисбатан анча ар-зон, вазни енгил ва тоқла-ри парваришда ҳар жи-

хатдан қулай. Қолаверса, иш-қомларнинг буюртмачиларга буюлган ҳолда етказиб бери-лаётгани уларнинг узок вақт яроқчилигини кафолатлайди. — Ўтган тўққиз ой даво-мида шахримизда 65 та лойиҳа амалга оширилди, — дейди Гулистон шаҳар ҳокимлиги иқтисодий бўлими бош мутахассиси Хакимжон Маллаев. — На-тижада саноат, сервис, кишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда махсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш турлари кенгай-иши баробарида, қўллаб иш ўринлари яратилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 3 ОКТЯБРДАН 9 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2015 йил 3 сентябрдаги 155-сонли «Йўл ҳаракати қондаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни қўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи. 2015 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-1 (2015 йил 12 октябрдан қучга кирди). 2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувиининг 2015 йил 5 сентябрдаги 24/6-сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори. 2015 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-3 (2015 йил 12 октябрдан қучга кирди). 3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 2 октябрдаги 321-В-4, 85, 2015-30-сонли «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобдорларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома-нинг 11-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори. 2015 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-4 (2015 йил 12 октябрдан қучга кирди). 4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 5 октябрдаги 2015-31-сонли «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма арizasлар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори. 2015 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1500-3 (2015 йил 12 октябрдан қучга кирди).

Давлат, хусусий ва шўқчилик шакли турлича бўлган корхона раҳбарлари диққати! Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ «ЗИЛ-130» ва «ЗИЛ-131» русумли юк ташувчи автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисملарни етказиб бериш бўйича тендер савдоларини эълон қилади. 1. Тендер савдолари предмети. Т/р Лотлар Махсулот номи Ўл-чов бир-лиги Сони 1 до-наси учун Максимал баҳоси (АҚШ доллари) 1. Лот № 1 Йиғилган двигателъ (узатмалар кўтисисиз) 130-10000400 дона 10 25 043 2. Лот № 2 Йиғилган орқа рессора 130-2912007-Б2 дона 26 864 3. Лот № 3 Стулица ва олдинги чап гилдиракнинг йиғилган тормоз барабани 130-3103005 дона 11 324 4. Лот № 4 Стулица ва олдинги ўнг гилдиракнинг йиғилган тормоз барабани 130-3103004 дона 13 324 5. Лот № 5 Стулица ва орқа гилдиракнинг йиғилган тормоз барабани 130-3104005-Б дона 12 825 6. Лот № 6 Стулица ва орқа гилдиракнинг йиғилган тормоз барабани 130-3104004-Б дона 13 825 7. Лот № 7 Йиғилган двигателъ (узатмалар кўтисисиз) 508-1000400Б2 дона 10 25 043 8. Лот № 8 Мой тозалаш фильтри 130-1017010 дона 7 194 9. Лот № 9 Йиғилган вентилятор 130-1308010-06 дона 7 52 10. Лот № 10 Йиғилган улаш картери 130-1601012 дона 7 443 11. Лот № 11 Узатмалар кўтисининг оравик вали 130-1701048-Б дона 7 230 12. Лот № 12 Йиғилган орқа узатмалар кардани 131-2202011-01 дона 7 715 13. Лот № 13 Йиғилган асосий узатмалар кардани 131-2202011-01 дона 7 1 064 14. Лот № 14 Йиғилган ўрта узатмалар кардани 131-2205011-04 дона 7 634 15. Лот № 15 Йиғилган кардан крестовиниси 130-2201025 дона 48 21 16. Лот № 16 Йиғилган орқа рессора 131-2912012 дона 14 794 17. Лот № 17 Йиғилган қўшимча орқа рессора 130-2913007-02 дона 14 289 18. Лот № 18 Йиғилган олдинги рессора 131-2902012-13 дона 14 754 19. Лот № 19 Йиғилган гилдирак 131-3101012 (диск ва шина) дона 49 1 387 20. Лот № 20 Бошқариш рулининг йиғилган кардан вали 130-3401440-А2 дона 7 279 21. Лот № 21 Бошқариш рулининг гидрокўчайтиргичли механизми 130-3400020-10 дона 7 1 667 22. Лот № 22 Йиғилган орқа тормоз колодкаси 130-3502090-Б4 дона 58 175 2. Тендер тури — очик. 3. Тендер савдоларида тендер асосида харид қилинадиган махсулотлар ҳажмини етказиб бериш малакасига эга бўлган, шунингдек, таклиф этилаётган махсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга бўлган, малакавий талабларга жавоб берадиган хорижий иштирокчилар ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари қатнашишлари мумкин. 4. Тендер комиссияси ишчи органининг манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Тендер ҳужжатларини харид қилиш бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 281-46-70, 256-39-03, 255-75-12. Факс: (0-371) 281-46-70. E-mail: umts@pnvd.uz 5. Закалат суммаси (тендер таклифлари кафолати), уни ўтказиш тартиби тендер ҳужжатларида кўрсатилган. 6. Тендер ҳужжатлари баҳоси хорижий иштирокчилар учун — 200 АҚШ доллари, Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўрнатган курс бўйича сўмда амалга оширилади. Тендер ҳужжатлари учун тўловни унчинчи шахслар амалга ошириши тақилланади. 7. Талабгор тендер савдоларида қатнашишдан аввал тендер ҳужжатлари учун 6-бандда кўрсатилган тўловни амалга ошириши ва арiza билан мурожаат этиши лозим. Барча савдолар бўйича тендер комиссияси ишчи органига ёзма равишда ёки 4-бандда кўрсатилган телефонлар ва факс орқали мурожаат этиш мумкин. 8. Тендер таклифларини қабул қилишининг охириги мuddати — 2015 йил 13 ноябрь кунин Тошкент вақти билан соат 17.00 гача. Тендер таклифлари тендер комиссияси ишчи органи томонидан қабул қилинади.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 377 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЕЪМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРИЯТ ЖАВОБГАР ЭМАС. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07. • МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов. Навбатчи — М. Холимова. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббоев. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5